

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИГ ПАСПОРТ-ВИЗА КОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ, ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Исматиллоев Шахзод Зарифбой ўғли*  
*Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги*  
*Академияси Курсанти*

**Абстракт:** Профилактика инспекторларининг паспорт-виза коидаларига риоя этилишини таъминлаш фаолиятининг ташкилий асослари. Паспорт тизимини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири – бу борадаги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва миллий тизимга татбиқ этиш ҳисобланади.

**Калит сузлар:** профилактика инспектори, ислохотлар, паспорт-виза, ҳуқуқий асослар

### КИРИШ

Умуман олганда тадқиқ қилинган даврда (1999–2009 йиллар) мамлакатда паспорт тартиботлари ҳамда хорижий шахслар устидан ижтимоий-ҳуқуқий назорат барқарорлашган, давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш ишлари кучайтирилган, хорижий давлатлар билан «паспорт-виза», миграция соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланган. Қолаверса, давлат хавфсизлигини кафолатлаш борасидаги эҳтиёжлар паспорт тизимининг янги механизмларини жорий этиш заруратини юзага келтирган. Ички ишлар органларининг паспорт расмийлаштириш ва прописка фаолияти ёрдамида жиноятчиликка қарши кураш имкониятларининг пасайиб кетганлиги (жами қидирувда бўлган жиноятчиларнинг 2010 йилда–атиги 2,6%, 2011 йилда – 2,3 %, 2012 йилда – 1,8 %, 2013 йилда – 1,5 %, 2014 йилда – 4,1 %, 2015 йилда – 1,2 %, 2016 йилда – 0,1 %, 2017 йилда – 0,3 % гина «паспорт-виза» тадбирлари давомида аниқланган) ҳам шахсни тасдиқлаш ва аҳоли рўйхатини юритиш амалиётини тубдан янгилашга бўлган талабларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Қолаверса, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг таъкидига кўра, «ўша даврда мамлакат аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва онг даражасининг ўсиб бориши, ижтимоий фаоллигининг ортиши жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларини жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирди». Бундай шарт-шароитлар биринчи навбатда шахснинг чет элга чиқиш ҳамда эркин ҳаракатланиш

хуқуқини тўлиқ кафолатлаш ва самарали таъминлаш билан узвий боғлиқ.

### АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон асосида олиб борилмоқда. Бугун паспорт тартиботларида мутлақо янги қараш, тўлиқ янгиланган механизмларни кўриш мумкин. Жумладан, 2017 йил Давлат дастурига асосан (76-банди) маълумотларни қайта ишлаш бўйича ахборот-коммуникация технологиялари, чегара назорати органларига йўловчилар ҳақида дастлабки маълумотларни тақдим этиш амалиёти, автоматлаштирилган паспорт назорати кабинаси, шунингдек чегарани кесиб ўтаётганларни қидирувда бўлган шахслар фотобазаси билан солиштириш тизимини жорий этган ҳолда, аэропорт ва темир йўл вокзалларида паспорт назоратини соддалаштиришни назарда тутувчи тартиботлар жорий этилди. . Француз олими М. Анселнинг фикрига кўра, хорижий тажриба юристларга янги ғояларни очишга, ўз давлатининг ҳуқуқ тизимини яхшироқбилишга, бошқа тизимлар билан қиёслаш орқали унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлашга имкон беради. Р.Э. Эдилова эса, миграция жараёнларини пухта ўйланган сиёсат даражасида ташкил этиш – давлат ташқи ва ички сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий хавфсизлик таъминлашда муҳим ўрин тутишини таъкидлайди. Шу сабабли, Л.Е.Титова «бугунги кунда аксарият хорижий мамлакатларда паспорт-виза тизимини таъминлаш ишлари миграцион жараёнларни барқарор ва ишончли тартибга солишга қаратилган» деган ғояни илгари суради. Миграциявий муносабатларни тартибга солиш ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини инобатга олган ҳолда, ушбу жараёнларни самарали бошқаришнинг барча учун ягона моделини ишлаб чиқишга бўлган уринишларнинг натижасизлиги сезилиб қолди. Шу боис, ҳозирда ҳар бир давлат миграцион муаммоларини ўз йўли билан ечиш бўйича хулосага келган. **Паспорт** – хорижга чиқиш вақтида давлат фуқаролигини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат бўлиб, АҚШ давлат департаменти томонидан расмийлаштириб берилади. Департаментнинг «*Паспорт хизмати бошқармаси*» («Passport Services Directorate») – бу борадаги фаолият учун масъул бўлиб, унинг таркибида 26 та ҳудудий агентлик, 1 та махсуснашр, 2 та паспорт ишлаб чиқариш, 1 та миллий ахборот маркази, шунингдек АҚШ бўйлаб 9100 та тармоқдан иборат паспорт мурожаатларини қабул қилиш бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган. **Европа** миграцион жараёнлар жадаллашиб бораётган давлатларни ўз ичига олган минтақа бўлиб, унда ҳам аҳоли оқимини бошқаришнинг ўзига хос

тартиботлари мавжуд. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида ўрнатилган («Шенген») паспорт-виза режими ягона тизимни ўз ичига олади. Европанинг классик миграцион давлатларидан бири **Германия** бўлиб, Р. Олигер ўз тадқиқотларида бу ерда хорижий шахсларнинг ноқонуний тарзда ишга жойлашиши, яшаши учун, шунингдек турист сифатида мамлакатга кириб келишига имкон борлиги ҳақида тўхталиб ўтади.

### ХУЛОСА

Тадқиқот давомида олиб борилган таҳлиллар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, *паспорт тизимини таъминлаш* деганда – аҳолини паспортлаштириш, прописка қилиш ва паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган ижтимоий ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуини ёхуд ваколатли субъектларнинг бу борадаги алоҳида фаолият йўналишини тушуниш лозим. Паспорт тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири эса, – уни ташкилий-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги муаммоларни бартараф этишдир. Мазкур муаммоларни дастлаб, қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига максимал даражада мослаштириш, қонуности ҳужжатларни инвентаризация қилиш, қолаверса паспорт тизимини таъминлаш механизмларини (усул ва воситаларини) такомиллаштириш орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқдир. Шундай экан, паспорт тизимини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар бериш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар таҳлили, ҳозирда уларни тизимлаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда. Чунончи, мазкур йўналишдаги фаолиятни тўғридан-тўғри тартибга солувчи атиги иккита: 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги, 2011 йил 14 сентябрдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонун мавжуд бўлиб, қолган барчаси қонуности ҳужжатларидир. Таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, Ўзбекистон амалиёти ҳам бугунги кунда миграцион статистикани жамлашда тўлиқ электрон технологиялардан фойдаланиш тизимига ўтишга муҳтож. Умуман олганда, мамлакатимизда миграцион жараёнларнинг янада жадаллашиши паспорт тизими ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириши билан бирга, давлат сиёсатининг ушбу йўналишида ҳали мавжуд бўлган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЙ ОТЛАР

1. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. «Ўзбекистон» – Т., 2022-й. – Б. 483.
2. *Мирзиёев Ш.М.* “Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак” Ҳалқ сўзи. - Т., 2017. 10 февраль
3. *Исмаилов И.У., Қурбонов А.* Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 178.
4. *Қосимов Б.Э., Исмаилов И.У.* Ички ишлар идораларида бошқарувни ташкил этиш илмий йўналиш сифатида // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2017. – №1. –Б. 54-55.
5. *Исоқов Л.Х.* “Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” Автореф. дисс. док. фил. – М., 2020. – С. 4.
6. *Ж.С.Мухторов* Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш. Юрид.фанл.номз. диссер. Т., 2018.
7. Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти. Проф. У. Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2000 й. – Б. 144
8. Приказ МВД России от 31.12.2012 № 1166 «Вопросы организации деятельности участковых уполномоченных полиции» / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: – URL: <http://www.rg.ru/uchastkovie-dok.html>. (дата обращения: 14.06.2015).
9. Закон Республики Молдова 10 июля 2008 года N 180-XVI «О трудовой миграции» <http://demoscope.ru/weekly/knigi/zakon/zakon095.html>.
10. . Приказ МВД России от 31.12.2012 № 1166 «Вопросы организации деятельности участковых уполномоченных полиции» / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: – URL: <http://www.rg.ru/uchastkovie-dok.html>. (дата обращения: 14.06.2015).
11. *Воробьева О.Д., Топилин А.В.* Современная миграционная политика России: иллюзии и реальность // Социологические исследования. – 2016. – № 7. – С. 136.